

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ»
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ 2025

«КЕЛИШИЛГАН»
“РИОваБСИАТМ” ДМ
директори
Н.С. Надирханова



2025 йил

«ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ» МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ

ТОШКЕНТ 2025

**«ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ»
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ 2025

Мундарижа

Кириш қисм.....	5
Асосий қисм.....	8
Иловалар.....	24
Адабиётлар рўйхати.....	29

1. Кириш қисми

1.1. ХКТ-10 бўйича кодланиши:

O24	Ҳомиладорлик пайтидаги қандли диабет
O24.0	Илгари бор бўлган инсулинга боғлиқ қандли диабет
O24.1	Илгари бор бўлган инсулинга боғлиқ бўлмаган қандли диабет
O24.2	Овқатланиш етишмовчилиги билан боғлиқ, илгари бор бўлган қандли диабет
O24.3	Илгари бор бўлган аниқланмаган қандли диабет
O24.4	Ҳомиладорлик пайтида пайдо бўлган қандли диабет
O24.9	Ҳомиладорлик пайтидаги, аниқланмаган қандли диабет
Ҳавола: https://mkb-10.com/index.php?pid=14494	

1.2. ХКТ-11 бўйича кодланиши:

JA63.0	1-тур қандли диабет, ҳомиладорликкача мавжуд бўлган
JA63.1	2-тур қандли диабет, ҳомиладорликкача мавжуд бўлган
JA63.2	Гестацион қандли диабет
JA63.Y	Ҳомиладорлик пайтидаги бошқа аниқланган қандли диабет
JA63.Z	Ҳомиладорлик пайтидаги, аниқланмаган қандли диабет
Ҳавола: https://icd.who.int/ct/icd11_mms/ru/release	

Протоколни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси: 2025 йил, қайта кўриб чиқиш санаси 2030 йил ёки янги асосий далиллар пайдо бўлиши билан. Тақдим этилган тавсияларга киритилган барча тузатишлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

Мазкур клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса: Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази.

Ишчи гуруҳ раҳбарлари:

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Иш жойи
1	Надирханова Н. С.	Директор, т.ф.д.	РИОваБСИАТМ ДМ
2	Абдуллаева Л.М.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош акушер-гинекологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор	ТТА
3	Гафурова Ф. А.	Кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор	ТХКМРМ, акушерлик, гинекология ва перинатал тиббиёт кафедраси
4	Каримова Ф.Д.	Кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор	ТХКМРМ, 2-сонли акушерлик ва гинекология кафедраси №2
5	Хайдарова Ф.А.	Даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,	РИЭИАТМ

Тузувчилар рўйхати:

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Иш жойи
1	Юсупбаев Р.Б.	акушер-гинеколог, т.ф.д., профессор	РИОваБСИАТМ
2	Атаджанова М.М.	Врач эндокринолог, т.ф.д.	РИЭИАТМ
3	Нишанова Ф.П.	акушер-гинеколог, т.ф.н.	РИОваБСИАТМ

4	Микиртичев К.Д.	акушер-гинеколог, т.ф.н.	РИОваБСИАТМ
5	Ильясов А.Б.	акушер-гинеколог, т.ф.н.	РИОваБСИАТМ
6	Нажметдинова Д.Ф.	акушер-гинеколог, т.ф.н.	РИОваБСИАТМ
7	Шамсиева З.И.	акушер-гинеколог, т.ф.н.	РИОваБСИАТМ
8	Мансурова Х.А.	акушер-гинеколог	РИОваБСИАТМ
9	Абдураимов Т.Ф.	акушер-гинеколог	РИОваБСИАТМ
10	Нурова А.А.	акушер-гинеколог	РИОваБСИАТМ
11	Эшонова К.Г.	акушер-гинеколог	РИОваБСИАТМ

Такризчилар:

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Иш жойи
1	Юсупов У.Ю.	Т.ф.д., профессор	РИОваБСИАТМ
2	Каттаходжаева М.Х.	Кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор	Тошкент давлат стоматология институти, акушерлик ва гинекология кафедраси

РИОваБСИАТМ ДМ – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси

ТТА – Тошкент тиббиёт академияси

ТошПТИ – Тошкент педиатрия тиббиёт институти

РПМ – Республика перинатал маркази

ТХКМРМ – Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази

РИЭИАТМ – Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази

Клиник протокол ОТМ профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Акушер-гинекологлар ассоциацияси аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари (РИОваБСИАТМ филиаллари директорлари ва уларнинг ўринбосарлари) ҳамда вилоят туғруққа кўмаклашиш муассасалари шифокорлари иштирокидаги ишчи гуруҳнинг онлайн шаклда ўтказилган якуний йиғилишида норасмий келишув орқали муҳокама қилинди ва 2024 йил 6 декабр 1-сонли баённомаси билан тасдиқланди. Ишчи гуруҳ раҳбарлари Надирханова Н.С., “РИОваБСИАТМ” директори, т.ф.д. Клиник протокол РИОваБСИАТМ Илмий кенгашида кўриб чиқилди ва **2024 йил 17 декабрдаги 15-сонли** баённомаси билан тасдиқланди.

Илмий кенгаш раиси – т.ф.д., профессор Асатова М.М.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Ташқи эксперт баҳоси:

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Иш жойи
1	Мухаммадиева С.М.	Тиббиёт фанлари доктори, профессор, 1-сонли акушерлик ва гинекология кафедраси мудири	Соғлиқни сақлаш соҳасида дипломдан кейинги таълим институти, Тожикистон Республикаси

Қисқартмалар рўйхати:

ADA	American Diabetes Association
NICE	National Institute for Health and Care Excellence
RCOG	Royal College of Obstetricians and Gynaecologists
АҚД	Артериал қон босим
ОИВ	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси
ГҚД	Гестацион қандли диабет
ГИ	Гликемик индекс
НbA1c	Гликозилланган гемоглобин
ДФ	Диабетик фетопатия
ТИМ	Тананинг индекс массаси
ЮЗЛП	Юқори зичликдаги липопротеидлар
ХКТ-10	Халқаро касалликлар таснифи 10-нашр
ХКТ-11	Халқаро касалликлар таснифи 11-нашр
АС	Амниотик сув
ОГТТ	Оғиз орқали глюкозотолерант тест
ҚД	Қандли диабет
ТПКС	Тухумдонлар поликистозиди синдроми
ОИТС	Ортирилган иммунотанқислик синдроми
ТГ	Триглицеридлар
УТ	Ультратовуш текшируви
САГ	Сурункали артериал гипертензия
ЮУЧ	Юрак уриши частотаси
ЭКГ	Электрокардиограмма

Протоколнинг мақсади:

Тиббиёт ходимларига қандли диабет билан оғриган ҳомиладор аёлларни бошқариш бўйича илмий асосланган маълумотлар ва тавсияларни тақдим этиш, бу орқали она ва перинатал касалликлар ҳамда ўлим ҳолатларини камайтиришга кўмаклашиш.

Бемор тоифалари: Ҳомиладор аёллар, туғруқдаги ва туғруқдан кейинги даврдаги қандли диабетга чалинган аёллар.

Клиник протоколдан фойдаланувчи гуруҳлар: акушер-гинекологлар; оилавий шифокорлари; лаборатория ёрдамчилари; соғлиқни сақлаш ташкилотчилари; талабалар; клиник резидентлар; магистрантлар; аспирантлар; тиббиёт факултети ўқитувчилари; аёллар, уларнинг оила аъзолари ва тарбиячилари.

Протоколга амал қилиш:

Протоколда эълон қилинган тавсиялар умумий тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, улар нашр қилинган вақтда мавжуд бўлган далилларга асосланади.

Агар амалий фаолиятда ушбу протокол тавсияларидан четланишга қарор қилинса, шифокорлар беморнинг тиббий тарихида қуйидаги маълумотларни кўрсатиши шарт:

- Қарорни ким қабул қилган;
- Протоколдан четланиш учун асосланган тўлиқ тушунтириш;
- Беморни бошқариш бўйича қабул қилинган тавсиялар.

Тавсиялар клиник амалиётнинг барча жиҳатларини қамраб олмайди, шунинг учун шифокорлар беморлар билан индивидуал бошқариш тактикасида беморнинг эҳтиёжларини инобатга олиб, конфиденциал мулоқотни сақлаган ҳолда эътибор қаратиши керак.

Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Зарурат бўлса, таржимон хизматларидан фойдаланиш;
- Беморга маслаҳат бериш ва қўлланиладиган манипуляция ёки бошқариш тактикасига розилик олиш;
- Қонунчиликка мувофиқ ёрдам кўрсатиш ва профессионал муомала стандартларига амал қилиш;
- Ҳар қандай бошқариш ва ёрдам тактикасига оид ҳужжатлаштириш умумий ва маҳаллий талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Профилактика, диагностика, даволаш ва реабилитация усуллари (профилактик, диагностик, даволаш, реабилитация киришувлари) учун тавсияларнинг ишонч даражасини баҳолаш шкаласи (ГИД):

Тавсияларнинг ишонччилик даражаси	
А	Кучли тавсия (барча самарадорлик чора-тадбирлари (натижалари) муҳим, барча тадқиқотлар юқори ёки адолатли услубий сифатга эга ва уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари изчил)
В	Шартли тавсиялар (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар юқори ёки адолатли услубий сифатга эга эмас ва/ёки уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари мос келмайди)
С	Шартсиз тавсия (адекват сифатли далилларнинг йўқлиги (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари изчил эмас)

2. Асосий қисм.

2.1. Таърифлар.

Қандли диабет — бу метаболик (алмашинув) касалликлар гуруҳи бўлиб, у сурункали гипергликемия билан тавсифланади, бу инсулин секрециясининг бузилиши, инсулин фаолияти ёки икки омилнинг бузилиши натижасидир. Қандли диабетдаги сурункали гипергликемия турли органлар ва тизимларнинг зарарланиши, дисфункцияси ва етишмаслигига олиб келади.

Гестацион қандли диабет (ГҚД) — бу ҳомиладорлик даврида биринчи марта аниқланган гипергликемия билан тавсифланадиган касаллик бўлиб, лекин у «манифест» қандли диабет (ҚД) мезонларига тўғри келмайди.

2.2. Эпидемиология.

- Қандли диабет ҳомиладорлик даврида жиддий тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, бу аниқ равишда оналар ва болалар (янги туғилганлар) учун ҳомиладорликнинг нохуш натижаларини оширади.
- Қандли диабет ҳомиладорлик даврида прегестацион (илгари мавжуд бўлган) ёки гестацион бўлиши мумкин
- Гестацион қандли диабет ҳомиладорлик давридаги қандли диабетнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади: ҳомиладорликдаги барча қандли диабет ҳолатларининг 90% гача. Шунингдек, Халқаро Диабет Федерациясининг атласига кўра, 2019 йилда ҳомиладорларда гипергликемия тарқалиш даражаси 15,8% атрофида бўлган, шулардан 83,6% ҳолатлар ГҚД билан боғлиқ эди.
- ГҚД нинг тарқалиш фоизи турли мамлакатларда 1% дан 20% гача ўзгариб туради, ўртача эса 7% ташкил қилади. Кўпчилик ҳомиладорларда касаллик аниқ гипергликемия ва белгилаш клиник симптомларисиз ўтади, шунинг учун ГҚДнинг бир хосияти унинг диагнозини кўйиш ва кеч аниқланишига қийинчилик туғдиради.

- Кўп марказли НАРО (Hyperglycemia and Adverse Pregnancy Outcomes – Гипергликемия ва салбий натижаларга эга ҳомиладорлик) тадқиқоти натижаларига кўра, онадаги гликемия даражаси билан ҳомиладорликнинг нохуш натижалари ўртасидаги алоқани кўрсатди, бу она ва бола усун икки тарафлама салбий натижаларга эга.
- Гестацион қандли диабет ва ҳомиладорликдаги аввалдан мавжуд бўлган қандли диабет билан туғруқда энг кўп учрайдиган асоратлар куйидагилар: преэклампсия, елкалар дистоцияси, хомиланинг умров суяги синувуви, Эрб параличи, янги туғилганларда оғир асфиксия. Мия қон айланиши бузилишларига бўлган травматик асоратлар янги туғилганларнинг 20% да кузатилади. Бу болаларда гиперинсулинизм, постнатал гипогликемия, полицитемия ва гипербилирубинемия ёки респираторный стресс синдроми ва неврологик бузилишлар ривожланиши эҳтимоли юқори.
- Ҳомиладорлик – физиологик инсулинрезистентлик ҳолати бўлиб, шунинг учун ўзига хос углеводлар алмашинуви бузилиши учун муҳим хавф омилidir.
- Бу касаллик бўйича катта тарзда нашрлар мавжуд бўлса-да, ҳозирги кунда ҳомиладорлик даврида қандли диабетнинг эрта ташхиси, ҚД билан ҳомиладор аёлларни юритиш алгоритми, туғруқни индукция қилиш, туғруқни бошқариш ва туғруқдан кейинги давр билан боғлиқ саволлар долзарб бўлиб қолмоқда.

https://diabetesatlas.org/upload/resources/material/20200302_133351_IDFATLAS9e-final-web.pdf

<https://diabetes.org/newsroom/american-diabetes-association-2023-standards-care-diabetes-guide-for-prevention-diagnosis-treatment-people-living-with-diabetes>

2.3. ҚД Классификацияси:

ҚД 1 тип - Иммуновоситачилигида - Идиопатик	Қандли диабет 1 тип – ошқозон ости беги бета-хужайраларининг деструкцияси, одатда абсолют инсулин етишмаслигини келтириб чиқаради.
ҚД 2 тип	<ul style="list-style-type: none"> • Асосан инсулинрезистентлик ва нисбий инсулин етишмаслиги билан; • Асосан инсулин секрециясининг бузилиши билан, инсулинрезистентлик билан ёки ундан ташқари
Бошқа махсус типдаги қандли диабет	<ul style="list-style-type: none"> • Бета-хужайралар функциясининг генетик дефектлари; • Инсулиннинг фаолиятига генетик дефектлар; • Ошқозон ости безининг экзокрин қисми касалликлари; • Эндокринопатиялар; • Дори-дармонлар ёки кимёвий моддалар билан индукцияланган қандли диабет; • Инфекциялар; • Иммуновоситалашган қандли диабетнинг ноёб шакллари; • Баъзан ҚД билан бирга учрайдиган бошқа генетик синдромлар,
ГҚД	Ҳомиладорлик пайтида пайдо бўлади (манифест диабетдан ташқари)

<https://diabetes.org/newsroom/american-diabetes-association-2023-standards-care-diabetes-guide-for-prevention-diagnosis-treatment-people-living-with-diabetes>

2.4. Диагностика

Анамнез

Анамнезни тўплашда гипергликемия билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган шикоятларни аниқлаш, 2-тур диабети бўйича насилликни аниқлаштириш, олдинги ҳомиладорликларда ГҚДнинг мавжудлиги (қайси вақтда аниқланганлигини ва қандай даво муолажаларини олингани), олдинги ҳомиладорликларда туғилган болаларнинг вазни, ҳомиладаги

ривожланиш муаммолари, кўп сувли ҳомиладорлик, ТПКС, артериал гипертензия, дислипидемия ва уларга олиб борилган даволаш ҳақида маълумотларни тўпланиши керак. Ҳомиладорлик аёлнинг организмда содир бўладиган физиологик ўзгаришлар билан боғлиқ гипергликемия ривожланиши учун мустақил хавф омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун барча ҳомиладор аёлларда шикоятлар бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ГҚДни фаол равишда аниқлаш зарур.

ГҚД хавф омиллари:

- ортикча вазн ёки семизлик (ТИМ 30 кг/м²дан юқори);
- ГҚД анамнезда;
- оилавий анамнезда ҳар қандай турдаги ҚДнинг мавжудлиги (1 ва 2-даража қариндошлар);
- ҳозирги ҳомиладорликда ёки анамнезда боланинг макросомияси (4500 г);
- ҳозирги ҳомиладорликда ёки анамнезда кўп сувли ҳомиладорлик;
- анамнезда ўлик туғилган ҳомила;
- анамнезда туғма нуқсон билан туғилган ҳомила;
- анамнезда ноатик ҳолатда ҳомила нобуд бўлиши.

<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC8252743/pdf/IJGO-152-3.pdf>

https://diabetesjournals.org/care/article/30/Supplement_2/S112/23905/Cellular-Mechanisms-for-Insulin-Resistance-in

Физикал текширув.

ГҚДнинг физик текширишда аниқланадиган махсус белгиларини топиш мавжуд эмас. Беморларни текширишда умумий пропедевтик принципларга риоя қилиш ва юқори хавфи бўлмаган ҳомиладорликдаги каби физик текшириш усулларини амалга ошириш зарур («Антенатал парвариш, ҳомиладорлик хавф гуруҳларини бошқариш» бўйича миллий клиник протокол, Тошкент, 2024 й.).

Биринчи туҳрукгача текширувда ҳар бир ҳомиладорда ГҚД хавфини баҳолаш учун хавф омилларини қўллаш керак:

- В**
- ортикча оғирлик ёки семизлик (ИМТ 30 кг/м²дан юқори)
 - ГҚД анамнезда;
 - оилавий анамнезда ҳар қандай турдаги ҚДнинг мавжудлиги (1 ва 2-даража қариндошлар);
 - ҳозирги ҳомиладорликда ёки анамнезда боланинг макросомияси (4500 г);
 - ҳозирги ҳомиладорликда ёки анамнезда кўп сувли ҳомиладорлик;
 - анамнезда ўлик туғилган ҳомила;
 - анамнезда туғма нуқсон билан туғилган ҳомила;
 - анамнезда ноатик ҳолатда ҳомила нобуд бўлиши.

<https://www.nice.org.uk/guidance/ng201>

Лаборатор текшириш усуллари:

С Тавсия этилади:, туғрукгача бўлган барча ҳомиладорларга 12 ҳафталик вақтида, ҳар қандай мутахассиснинг биринчи қабулда (акушер-гинеколог, терапевт, оилавий шифокор), углевод алмашинуви бузилишини истисно қилиш учун, веноз плазмасини глюкозасини оч қоринга аниқлаш

Глюкоза аниқлаш фақат веноз плазмасига амалга оширилади. Глюкоза қон зардобиди ёки тўлиқ капилляр қонида аниқланишига йўл қўйилмайди. Веноз плазмасига глюкоза аниқлаш фақат лабораторияда, биохимик анализаторларда ёки глюкоза анализаторларида, олдиндан 8 соатдан кам бўлмаган ва 14 соатдан кўп бўлмаган оч қоринга аниқланади. Қон глюкозасини

аниқлаш учун индивидуал глюкометрларни қўллаш тавсия этилмайди. Агар ҳомиладор биринчи маротаба 12 ҳафталикдан кейин қабул қилса, уни ҳам веноз плазмаси глюкозасига аниқланиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезонлари бўйича, ҳомиладорлик даврида биринчи марта аниқланган гипергликемия гестацион қандли диабет (ГҚД) ёки ҳомиладорлик давридаги қандли диабет деб таснифланиши керак.

В Барча ҳомиладорларга 26-28 ҳафталикда ГҚДни скрининг текшируви сифатида 75 грамм глюкоза билан 2 соатлик перорал глюкоза толерантлиги тести (ПГТТ) ўтказиш тавсия этилади

В ГҚД учун хавф остида бўлган барча ҳомиладорларга 75 грамм глюкоза билан 2 соатлик перорал глюкоза толерантлиги тестини (ПГТТ) икки маротаба ўтказиш тавсия этилади: биринчи туғруқгача бўлган қабулда ва 26-28 ҳафталикда

ПГТТни ўтказиш учун тавсия этилган оптимал муддат 26-28 ҳафталик, лекин у 32 ҳафталиккача ўтказилиши мумкин (ГҚДнинг юқори хавфи, УТ маълумотларига кўра ҳомиланинг ўлчамлари ≥ 75 перцентил, диабетик фетопатиянинг УТ белгилари, диспропорционал ҳомила ўлчамлари), лекин бундан кечиктирилмаслиги керак. Агар 32 ҳафталик ва ундан кейин УТ маълумотларига кўра ҳомиланинг макросомия белгиларини аниқланса (УТ маълумотларига кўра ҳомиланинг ўлчамлари ≥ 90 перцентил), шунда ПГТТ ўтказмасдан, веноз плазмасига глюкоза миқдорини оч коринга аниқлаш зарур.

ПГТТ – хавфсиз юкламали диагностика тести. Ҳомиладорлик даврида ПГТТ жараёнида веноз плазмасига глюкоза аниқланади: оч корин пайтида, юкламадан сўнг 1 ва 2 соатдан кейн.

ПГТТ ўтказишга қарши кўрсатмалар:

- 24 ҳафталикдан олдин аниқланган ГҚД/манифест қандли диабет;
- Малабсорбция синдроми (резекция килинган ошқозон синдроми, бариатрик операциялар, демпинг-синдром);
- Қўнгил айниш ва қайт қилиш;
- Ўткир ялиғланиш ёки инфекция касалликлар;
- Ошқозон-ичак тракти касалликларининг кучайиши
- Акушерлик асоратлари туфайли стационар шароитида қатъиян ётиш (ҳомила тушиш хавфи, бачадон бойини тикиш, $\beta 2$ адреномиметикларнинг инфузиялари, янги туғилганлар дисстресс синдромини профилактика қилиш). Бу кагортида ПГТТ зарур бўлса, ҳаракатнинг кенгайтиришидан, гипергликемик дориларни бекор қилишдан кейин ўтказилиши мумкин. Глюкокортикоидларни бекор қилгандан кейин ПГТТ 3 кундан кейин ўтказилиши мумкин.

Барча бариатрия операциялари (семизликни хирургик даволаш) анамнезида бўлган ҳомиладорларга ГҚД диагностикаси веноз плазмасига глюкоза миқдорини оч коринга аниқлаш натижаларига асосан олиб борилади. Бу категория ҳомиладорларни ГҚД ривожланиши учун максимал хавф гуруҳи сифатида кўриб чиқиш керак, шу боисдан, ушбу категориядаги беморларга ҳомиладорликнинг бошида ГҚД учун тавсия этилаётган диетик тавсиялар билан амал қилишни тавсия қилиш керак, 24 ҳафталикдан бошлаб эса, глюкометр орқали гликемияни ўзини-ўзи текширишни тавсия қилиш лозим.

ПГТТ натижаларини талқин қилиш акушер-гинеколог, терапевт, оилавий шифокор, эндокринолог томонидан амалга оширилади.

Перорал глюкоза толерантлик тестини (ПГТТ) ўтказиш қоидалари:

Тест одатий овқатланиш шартларида (кунига камида 150 г углевод) камида 3 кун давомида амалга оширилади. Тест эрталаб оч қоринга, 8 соатлик кечки очликдан кейин ўтказилади. Охирги овқатда 30-50 гр углеводлар бўлиши керак. Сув ичиш маън этилмайди. Тестни ўтказиш жараёнида бемор ўтирган ҳолатда бўлиши керак. Тест тугагунга қадар чекиш маън этилади. Глюкоза даражасига таъсир этувчи дори воситалари (поливитаминлар ва темир препаратлари, углеводларни ўз ичига олган, глюкокортикоидлар, β-адреноблокаторлар, β-адреномиметиклар) имкон қадар тест тугаганидан кейин қабул қилинади.

ПГТТ бажариш босқичлари:

1-босқич: Вена қонидан оч қоринга биринчи плазма намунасини олиш.

2-босқич: 5 дақиқа ичида 75 грамм қуруқ (ангидрит ёки сувсиз) глюкозани 250-300 мл илик (37-40°C) газсиз ичимлик сувида (ёки дистилланган сувда) эритилган ҳолда ичилади. Агар тест учун глюкоза моногидрати қўлланилаётган бўлса, 82,5 грамм модда керак бўлади. Глюкоза эритмасини қабул қилиш тест бошланган вақт сифатида ҳисобланади.

3-босқич: Веноз плазмасида глюкоза даражасини аниқлаш учун қоннинг кейинги намуналари глюкоза юкламасидан кейин 1 ва 2 соат ўтгач олинади.

Веноз плазмасида глюкоза даражасини аниқлаш фақат лабораторияда биохимик анализаторларда ёки глюкоза анализаторларида амалга оширилади. Қон совуқ вакуум пробиркага олинади, пробирка консерванти сифатида натрий фториди (1 мл тўлиқ қонга 6 мг) энোлаза ингибитори сифатида, спонтан гликолизни олдини олиш учун, ва антикоагулянт сифатида EDTA ёки натрий цитрати сақлайди. Пробирка музга жойлаштирилади. Кейин қон дарҳол (30 минутдан кечиктирмай) центрифугаланади, плазмани ва шаклли элементларни ажратиш учун. Плазма иккинчи пробиркага кўчирилади. Мана шу биологик суёқликда (веноз плазмада) глюкоза даражасини аниқлаш амалга оширилади.

Жадвал 1. Ҳомиладорлик даврида ГҚД ва ҚД диагностика мезонлари.

	ГҚД	Манифест ҚД 1 ёки 2 тури (хомиладорлик даврида ёки ундан олдин пайдо бўлган).
Оч қоринга веноз гликемияси	5,1-6,9 ммол/л	≥7,0 ммол/л
Веноз гликемияси ПГТТдан кейин 1 соат ўтгач (75 г глюкоза билан)	≥10,0 ммол/л	
Веноз гликемияси ПГТТдан кейин 2 соат ўтгач (75 г глюкоза билан)	8,5-11,0 ммол/л	≥11,1 ммол/л (ёки плазмада тасодифий аниқланганда)
НbA1c (гликланган гемоглобин)	Тавсия этилмайди	≥6,5%

С Ҳомиладорларда ГҚД диагнозини қўйиш тавсия этилади, агар веноз плазмадаги глюкоза даражаси оч қоринга ≥5,1 ммол/л, лекин <7,0 ммоль/л бўлса

ГҚД диагнози бир марта гликемияни аниқлаш асосида қўйилиши мумкин. Бу диагностика мезони хомиладорликнинг бутун даврига тааллуқлидир.

С Веноз плазмасига глюкоза оч қоринга ≥7,0 ммол/л ёки юкламадан кейин 2 соат ўтгач ≥11,1 ммоль/л бўлса, манифест қандли диабет ташхиси қўйилади

С ГҚД диагностикаси учун гликланган гемоглобинни (НbA1c) қўллаш тавсия этилмайди

Гликланган гемоглобин, HbA1c деб аталадиган, қондаги глюкоза миқдорини узок муддат давомида (уч ойгача) ўртача кўрсатадиган биохимик кўрсаткичдир. HbA1c – қондаги гемоглобиннинг глюкоза молекулалари билан қайтмас бирикганлик фоизи: у қанчалик баланд бўлса, охириги 3 ойда гликемия шунчалик юқори бўлган ва, шу билан бирга, қандли диабетнинг асоратлари хавфи ҳам шунча кўпроқ бўлади

С Хомиладорда веноз плазмасига глюкоза оч қоринга $\geq 7,0$ ммол/л аниқланганда, манифест қандли диабетни истисно қилиш ёки тасдиқлаш учун кўшимча текширувлар ўтказиш тавсия этилади

Манифест қандли диабет диагнозини тасдиқлаш зарур:

- кейинги кунларда қоннинг гликемиясини қайтадан оч қоринга ёки овқатланишга боғлиқ бўлмаган ҳолда куннинг исталган вақтида аниқлаш орқали, ёки
- HbA1c (гликланган гемоглобин) ни аниқлаш орқали, аниқ гипергликемия, шиддатли метаболик декомпенсация ёки аниқ симптомлар бўлмаган ҳолларда.

Гликланган гемоглобинни аниқлаш National Glycohemoglobin Standardizationга мувофиқ сертификатланган методлар билан амалга оширилиши керак ва у 6,0% (42 ммол/мол) дан юқори бўлмаслиги лозим. **Қандли диабет диагнози HbA1c 6,5% ёки ундан юқори бўлган ҳолатларда қўйилади.**

ЖССТ тавсияларига кўра, HbA1c даражаси 6,0-6,4% (42-47 ммол/мол) ўзига хос диагноз қўйишга асос бўлмайди, лекин қон глюкозаси даражасига кўра қандли диабетни аниқлаш имконини истисно қилмайди.

<https://diabetes.org/newsroom/american-diabetes-association-2023-standards-care-diabetes-guide-for-prevention-diagnosis-treatment-people-living-with-diabetes>

<https://dmsjournal.biomedcentral.com/articles/10.1186/s13098-019-0406-1>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30314289/>

Инструментал текшириш усуллари:

ГҚД ни инструментал диагностика усуллари мавжуд эмас. Хомиладорликнинг паст хавф гуруҳи учун бир хил инструментал усуллар тадқиқотини ўтказиш тавсия этилган («Антенатал парвариш, хомиладорлик хавф гуруҳларини бошқариш» бўйича миллий клиник протоколи, Тошкент, 2024 й. қаранг).

С Диабетик фетопатия, кўп сувлилик ва хомила ҳолатининг бузилишларини аниқлаш мақсадида, ГҚД билан хомиладорларга 28-29 ҳафтада хомила УТТ ўтказиш тавсия этилади

С ГҚД билан хомиладорларга, агар 28-29 ҳафтада УТТда диабетик фетопатия аниқланмаса, ҳар 4 ҳафтада камида 1 марта УТТ ўтказиш тавсия этилади. Агар фетопатия мавжуд бўлса, УТТ ҳар 3 ҳафтада ёки кўрсатмаларга кўра кўпроқ ўтказилиши керак. Бу акушер-гинеколог ва эндокринолог томонидан бошқариш тактикасига ўз вақтида ўзгаришлар киритиш учун муҳим

ГҚД билан хомиладорларда УТТ қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- стандарт фетометрик, фетометрия параметрлари ва хомилани массасини перцентил бўйича баҳолаш;
- диабетик фетопатиянинг фенотипик ва висцерал белгиларига таянган ҳолда аниқлаш;
- хомиланинг етуклигини аниқлаш: Беклар ядроси (сон суягининг дистал эпифизида жойлашган иккиламчи суякланиш нуктасинг энг катта ўлчами) агар ўлчам > 5 мм бўлса, бу етукликни кўрсатади;

- парафетал структураларни баҳолаш: йўлдош қалинлиги, амниотик сув миқдори, хомила қон айланишини баҳолаш (доплерометрия).

Диабетик фетопатиясини аниқлаш куйидаги асосларга таянади:

1. Асимметрик макросомияни аниқлаш. Хомила макросомияси – бу шу гестацион даврга мос бўлган хомила массаси 75 перцентилдан юқори бўлиши. Макросомиянинг икки тури ажратилади:
 - симметрик макросомия – конституционал, генетик жиҳатдан детерминистик, онанинг гликемия даражаси билан аниқланмайди, ва фетометрия параметрларининг барчасининг пропорционал ошиши билан хосланади.
 - асимметрик макросомия – диабетик фетопатия билан боғлиқ ҳолда кузатилади. Бу ҳолда, қорин ўлчами 90 перцентилдан юқори бўлади, шу билан бирга бош ва сон суяги узунлигининг ўлчамлари нормал бўлади.
2. Диабетик фетопатиянинг фенотипик белгиларини аниқлаш:
 - Бошнинг икки қатор контури
 - Буккал индекси 0.9 дан юқори
 - Бўйиннинг тери ости ёғ тўқималарининг қалинлиги $> 0,32$ см
 - Кўкрак ва қорин тери ости ёғ қалинлиги $> 0,5$ см.
3. Диабетик фетопатиянинг висцерал белгиларини аниқлаш:
 - Гепатомегалия
 - Кардиоомегалия (кардиоторасик индекснинг 25%дан кўпроқ ошиши)

ГҚД билан хомиладорларга инсулинотерапиясини ўз вақтида белгилаш учун макросомия ва диабетик фетопатия шаклланишини акушер-гинекологлардан терапевт, эндокринолог ёки оилавий шифокорга тўғри ва вақтли маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

В ГҚД билан хомиладорларда хомиланинг дисстрессини ўз вақтида аниқлаш учун 32 ҳафталикдан бошлаб ҳар 7-10 кунда бир марта, 37 ҳафталикдан бошлаб эса ҳар 7 кунда бир марта ёки кўрсатмаларга кўра кўпроқ кардиотокография ўтказиш тавсия этилади

<https://diabetes.org/newsroom/american-diabetes-association-2023-standards-care-diabetes-guide-for-prevention-diagnosis-treatment-people-living-with-diabetes>
<https://www.nice.org.uk/guidance/ng201>

Бошқа диагностика тадқиқотлари:

Бошқа мутахассислар консултациялари шуларни ўз ичига олиши мумкин.

<https://diabetes.org/newsroom/american-diabetes-association-2023-standards-care-diabetes-guide-for-prevention-diagnosis-treatment-people-living-with-diabetes>

2.5. ГҚД давоси:

С ГҚД билан хомиладорларнинг даволаш ва бошқаришда бошқа мутахассислар билан биргаликда (акушер-гинеколог, терапевт/эндокринолог/оилавий шифокор) ёндашув тавсия этилади, бу она ва перинатал касалликлар ва ўлимни камайтиришга ёрдам беради

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/29627447/>

ҚДнинг ҳар қандай шакли билан хомиладорларнинг амбулатор бошқаришининг асосий тамойиллари:

- Ҳар қандай шаклдаги ҚД билан хомиладорларга, аниқланганидан кейин биринчи ҳафтада диетолог ва эндокринолог билан маслаҳатлашиш тавсия этилади;
- ҚД билан хомиладорларга 12 ҳафтагача 5 мг фолий кислота қабул қилиш тавсия этилади;
- Гликемик статустни яхшилаш учун диета ва жисмоний машқларнинг комбинацияси тавсия этилади;
- Ўртача жисмоний ёкламалар ва машқлар дастурлари, масалан, овқатланишдан кейин 30 дақиқа юриш тавсия этилади;
- Агар 1-2 ҳафта давомида диета ва жисмоний машқлар билан қон глюкозаси даражаси мақсадли кўрсаткичларга эришилмаса, гипогликемик препаратлар тавсия этилади.

Жадвал 2. Ҳар қандай шаклдаги диабетга чалинган аёллар учун антенатал ташрифлар жадвали.

Ҳомиладорлик даври	Ҳомиладорлик пайтида диабетнинг ҳар қандай шакли бўлган аёлларга парвариш қилиш (оилавий шифокор, акушер-гинеколог, диетолог, эндокринолог)
Идеал ҳолда, 12 ҳафтагача	<ul style="list-style-type: none"> • Аёлга ҚДнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврига таъсири ҳақида маълумот беринг (макросомия, неонатал гипогликемия, кесарев кесиши учун юқори хавф, елкалар дистоцияси, преэклампсия, мудатдан олдин эрта туғруқ, гипербилирубинемия, янги туғилган чақалоқларни интенсив терапия бўлимга кўчириш, оналар касаллиги ва ўлим кўрсаткичларининг ошиши); • Диета, овқатдан олдин ва кейин капилляр гликемиясининг мақсадли кўрсаткичлари бўйича тавсиялар беринг; • Аёлни асоратлар мавжудлигига текширинг (нейропатия, сосудик муаммолар); • Гипогликемик препаратларни эҳтиёжни кўриб чиқинг, улар ва уларнинг асоратлари ҳақида аёлга тушунтиринг; • Қандли диабет билан оғриган аёллар, агар охириги 3 ой ичида баҳоланмаган бўлса, ретинанинг ҳолатини (офтальмолог билан маслаҳатлашиш) ва буйрак фаолиятини баҳолашлари керак; • Қандли диабетга чалинган барча аёллар ҳомиладорлик даврида ҳар 1-2 ҳафтада антенатал клиника ва эндокринолог билан алоқада бўлишлари керак; • Ҳомиладорлик вақтида хавфнинг даражасини аниқлаш учун олдиндан мавжуд бўлган ҚД билан аёлларда HbA1c даражасини ўлчанг; • ГҚД хавф омиллари мавжуд бўлган аёлларга, биринчи триместрда антенатал клиникага мурожаат қилганида, қон глюкозасини ва 75 г 2 соатлик ГТТ тестини имкон қадар тезроқ мустақил назорат қилишни таклиф қилиш керак; • 7-9 ҳафтада боланинг ҳаётга лаёқатлилигини ва гестацион ёшини тасдиқлаш.
16 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Илгари мавжуд ҚД билан бўлган аёлларга, биринчи ташрифда диабетик ретинопатия аниқланган бўлса, ретина ҳолатини 16-20 ҳафтада қайта баҳолаш зарур. • ГҚД хавф омиллари мавжуд бўлган аёлларга, иккинчи триместрда антенатал клиникага мурожаат қилганида, қон глюкозасини ва 75 г 2 соатлик ГТТ тестини имкон қадар тезроқ мустақил назорат

	қилишни таклиф қилиш керак;
20 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Хомиланинг тузулиш аномалликларини, шу жумладан ҳомила юрагини текширишни аниқлаш учун ултратовуш скрининг текширувини ўтказинг.
28 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • АС ҳажмини аниқлаш ва ҳомила ўсишини кузатиш учун ултратовуш текширувини ўтказинг; • Олдиндан мавжуд бўлган диабетга чалинган барча аёллар ретинал ҳолатини баҳолашлари керак; • Агар аёлларда 26-28 ҳафтада ГҚД аниқланса, уни эндокринолог ва диетолог билан биргаликда ҳомиладорликни олиб бориш керак.
32 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • АС ҳажмини аниқлаш ва ҳомила ўсишини кузатиш учун ултратовуш текширувини ўтказинг; • Мунтазам одатий парвариш каби тавсия этилган тестларни кузатиб боринг.
34 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳар қандай қўшимчаларсиз, нормал туғруқгача парваришлаш каби.
36 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • АС ҳажмини аниқлаш ва ҳомила ўсишини кузатиш учун ултратовуш текширувини ўтказинг; • Туғруқ усули ва вақти, туғруқ учун оғрикни йўқотиш усуллари, туғруқ пайтида ва ундан кейин глюкомик параметрларга қараб терапиянинг ўзгариши, эмизиш, янги туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, туғруқдан кейинги контрацепция усуллари ҳақида маслаҳатлашинг.
37⁰ ҳафта - 38⁶ ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Барча 1-чи ёки 2-чи типли диабетга эга аёлларга (керакли кўрсатмалар бўлса) туғруқни индукция қилиш ёки кесарча кесиш амалиетини ўтказишни таклиф этинг; • ГҚД бўлган аёлларда ҳомиладорликни ўз-ўзидан туғруқ бошланишигача узайтиришни тавсия этилади.
38 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳомила ҳолатини баҳолаш;
39 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳомила ҳолатини баҳолаш; • Ҳомиладорликнинг 40⁶ ҳафталигига қадар, асоратланмаган ГҚД билан ҳомиладор аёлларни туғдириб олиш.

Агар ҳомиладор аёлда диабетнинг нестабил гликемияси, акушерлик асоратлари ёки она ва ҳомилага алоқадор муаммолар пайдо бўлса, уларга ҳар 1-2 ҳафтада антенатал клиникалар ва эндокринологга ташриф буюриш тавсия этилади.

2.6. ГҚД консерватив даволаш

В ГҚД бўлган барча ҳомиладорларга акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олиш учун ҳаёт тарзини ўзгартириш (овқатланишни ва жисмоний фаолиятни ўзгартириш) тавсия этилади

Ҳомиладорлик даврида она ва хомиланинг эҳтиёжларини тўғри таъминлаш ҳамда акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олиш мақсадида, гликемик индекси юқори бўлган углеводлар, осон ҳазм бўладиган углеводлар ва транс-ёғларни рационидан чиқариш тавсия этилади. Углеводларнинг суткалик миқдори 175 граммни ёки умумий кунлик калориянинг камида 40%ини ташкил этиши лозим. Бунда қон глюкоза даражаси ва сийдикда кетон таначалари назоратида сақланиши шарт. Гестацион диабетга чалинган ҳомиладор аёлларга углеводларга бой маҳсулотлар кун давомида 3 марта асосий овқат ва 2-3 марта қўшимча овқат сифатида тақсимланиши керак. Ҳар бир овқатланишда секин ҳазм бўладиган углеводлар, оқсиллар, моно- ва поликоникмаган ёғлар ҳамда озуқа толалари бўлиши муҳим.

Суткалик озуқа толалари 28 граммдан кам бўлмаслиги керак, бу кўпинча клечатка, рухсат берилган сабзавотлар, мевалар, кўкатлар, ғалла маҳсулотлари ва отрублар ҳисобига таъминланади. Семизликка чалинган ҳомиладорларга тўйинган ёғларнинг суткалик улушини умумий ёғ истеъмолининг 10%идан оширмастик тавсия қилинади.

Ҳомиладорликдан олдин тана массаси индекси (ТМИ) бўйича семизлик аниқланган ва ҳомиладорлик даврида патологик вазн ошиши кузатилган ҳомиладор аёлларга овқатланиш калориясини чеклаш тавсия этилади. Бироқ, кетонуриянинг олдини олиш мақсадида суткалик калория истеъмоли 1800 ккалдан кам бўлмаслиги керак.

Углеводларни кун давомида қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади: нонуштада 15-30 г, иккинчи нонуштада 15-30 г, тушликда 30-60 г, иккинчи тушликда 15-45 г, кечки овқатда 30-60 г ва иккинчи кечки овқатда 10-15 г. Бунинг натижасида суткалик углевод миқдори ўртача 150-175 граммни ташкил этади. Овқатланиш орасидаги танаффус 2,5-3 соат бўлиши, кундалик охириги овқатланиш билан эрталабки биринчи овқатланиш орасидаги вақт эса 10 соатдан ошмаслиги керак. Осон ҳазм бўладиган ва гликемик индекси юқори бўлган углеводларни истеъмол қилиш тўлиқ тақиқланади. Кетонурия ёки кетонемиянинг олдини олиш учун ухлашдан олдин ёки тун давомида қўшимча 12-15 грамм углевод қабул қилиш тавсия этилади.

Агар нонуштадан сўнг гипергликемия сақланиб қолса, нонушта учун углеводларсиз оқсил ва ёғларга асосланган ёки углевод миқдори минимал даражадаги рацион тавсия этилади. Бу ҳолатда мураккаб ёки секин ҳазм бўладиган углеводларни истеъмол қилиш чекланади ёки бутунлай чиқариб ташланади. Глюкоза ўрнини босувчи моддалар сифатида ҳомиладорлик даврида рухсат этилган сукралоза ёки стевиязитдан фойдаланиш мумкин.

Гестацион диабет билан ҳомиладор аёлларга гликемия кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ҳафтада камида 150 дақиқа дозаланган аэробик жисмоний фаоллик тавсия этилади. Бунинг учун овқатдан сўнг ҳар куни 10-15 дақиқа пиёда юриш постпрандиал гликемияни яхшилашга, ухлашдан олдин 30 дақиқа юриш эса оч қорин гликемиясини яхшилашга ёрдам беради. Бунда жисмоний фаолликка қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаган ҳолда амал қилиш лозим.

<https://diabetes.org/newsroom/american-diabetes-association-2023-standards-care-diabetes-guide-for-prevention-diagnosis-treatment-people-living-with-diabetes>

2.7. Глюкоза даражасини назорат қилиш

А Гестацион диабетга чалинган барча ҳомиладор аёлларга углевод алмашинувининг компенсация даражасини баҳолаш мақсадида ҳомиладорлик тугагунга қадар кундалик гликемияни ўз-ўзига назорат қилиш тавсия этилади.

